



<https://interscience.uz/>  
ISSN 2181-1709 (P)  
ISSN 2181-1717 (E)  
SJIF: 3.805 (2021)

2023/3

# TA'LIM VA INNOVATION TADQIQOTLAR

# ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ

# EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH

**TA'LIM VA INNOVATSION TADQIQOTLAR**  
**ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ**  
**EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH**



<b>Muassis:</b> Buxoro davlat universiteti Fan va ta'lif MChJ		<b>07.00.00 – TARIX FANLARI</b>	
<b>Bosh muharrir:</b> Ma'murov Bahodir Baxshullayevich		Allamuratov Sh. A. XIX Asr ikkinchi yarmi – Xx asr boshlariga oid manbalarda Amudaryo suv yo'lining yoritilishi	7
<b>Jamoatchilik kengashi raisi:</b> Xamidov Obidjon Xafizovich, Buxoro davlat universiteti rektori		Babayev S. T. Jahon madaniy merosi: xalqaro prinsiplar va tashkilotlar, madaniy merosni saqlash strategiyasida YUNYESKOning fundamental roli.	13
<b>Tahririyat kengashi raisi:</b> Maxmudov Mels Hasanovich		Haitov J. Sh. O'zbekistonda yangi ekin navlarini yetishtirishda ilmiy muassasa va stansiyalarning faoliyati tarixiga doir	21
<b>Mas'ul kotib:</b> Akramova Gulbahor Renatovna		Nazarov A. A. Turkiston maktablarining tashkil etilishi yo'naliishlari va pedagogik xususiyatlari (XIX asr ikkinchi yarmi XX asr boshlari)	28
<b>Texnik muxarrir:</b> Davronov Ismoil Ergashevich		Tog'ayev Z. T. Farg'ona viloyatida xayr-ehson jamiyatlari faoliyati tarixi (XIX asr oxiri - XX asr boshlari)	34
<b>Tahririyat manzili:</b> Buxoro shahar, Q.Murtazoyev ko'chasi, 16-uy		<b>10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI</b>	
Telefon: +998(90)744-00-22		Bo'riyev I. E. O'zbek tilida leksik - semantik munosabatlarga ko'ra iboralar tavsifi	39
E-mail: eirjurnal2020@gmail.com		Ismoilov Q. R.A.Nikolson – tasavvufshunos (R.Nikolsonning hayoti, ijodi va tasavvufta'lomitiga munosabati)	45
Jurnalning elektron sayti: <a href="http://www.interscience.uz">www.interscience.uz</a>		Juraev Z. N. Some major meanings of the numeral «ming» (thousand) in the proverbs of english and uzbek	50
Jurnal OAK Rayosatining 2021 yil 30 sentyabrda 306/6-son Qarori bilan PEDAGOGIKA, PSIXOLOGIYA, FILOLOGIYA, TARIX FANLARI bo'yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiya ishlari yuzasidan asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ruyxatiga kiritilgan		Nazarova Dunyogozal Baxtiyarovna Hujjat va hujjatshunoslikning umumiy qonuniyatini ishlab chiqishdagi muammolar	55
Bosishga ruxsat etildi: 28.03.2023 y. Qog'oz bichimi 60x84 1/8. b/t.12,5. Buyurtma raqami 1.23 «FAN VA TA'LIM» nashriyotida chop etildi. Buxoro shahar		Tursunov R. M. G'azal va taxmis: ijtimoiy dard hamda ishqiy iztirob kesishgan sarhad	60
Jurnal 28.07.2021 yilda 9305 raqами bilan O'zbekiston Ommaviy axborot vositalari davlat ro'yxatidan o'tgan		Туйлиева Л. А. Методы исследования глаголов состояния	65
Jurnal 2020 yilda tashkil topdi va oyda 1 marta chop etildi. 2021 yil noyabr oyidan boshlab har oyda 1 marta o'zbek, rus va ingliz tillarida chop etiladi	2	<b>13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI</b>	
«Ta'lif va innovatsion tadqiqotlar» xalqaro ilmiy-metodik jurnalidan ko'chirib bosish tahririyatning roziligi bilan amalga oshiriladi		Achilova Mavluda Sa'dullayevna Qo'lmehnati orqali o'quvchilarda ijodiy tafakkurni rivojlantirishning pyedagogik xususiyatlari va omillari	75
Maqolada keltirilgan faktlarning to'g'riligi uchun muallif mas'ulidir		Akramova Gulbahor Renatovna O'quvchida tanqidiy tafakkurning rivojlanishi – ijtimoiy munosabatlarga tayyorlik kafolati	82
		Axatkulov A. A. Dasturiy ta'lif vositalari talabalar ilmiy-tadqiqot kompetentsiyasini shakllantirish vositasi sifatida	88
		Aytbayev D. T. Intonatsiya lisoniy faktor sifatida mutaxassislik fanlar orqali texnika oliv ta'lif muassasalari talabalarining kasbiy kompetentligini rivojlantirish	92
		Axmedova Z. A. Teatr san'ati - yoshlar ma'naviy olami, ong va tafakkurini rivojlantirish vositasi	95
		Berdaliyeva Gulasal Umumiyl o'rta ta'lif muassasalari pyedagog kadrlar malakasini oshirish tizimining axborot-ta'lif muhiti	99

Xasanova M. Z. Oliy pedagogik ta'lim muassasalarida "kompozitsiya" fanini o'qitishning pedagogik nazariya hamda badiiy ta'lim amaliyotidagi holatining tahlili	258
Xaydarova R. A. Maktabgacha ta'lim tizimini takomillashtirishda Xitoy tajribasi	263
Xudoynazarova G. A., Safarova N. S., Rashidova R. O. "Geterofunksional birikmalar metabolitlar va dori vositalari sifatida" mavzusida kreativ usullarni qo'llash	269
Xurramov Jasur Kuyliyevich Jismoniy qobiliyatlarini rivojlantirishda aylanma mashg'ulot uslubidan foydalanish	278
19.00.00 – PSIXOLOGIYA FANLARI	
Axmedova Z. J. Talabalarning oliy ta'limga moslashuv jarayonining o'ziga xos ijtimoiy-psixologik xususiyatlari	283
Azimova K. K. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida o'quv motivlari shakllantirishda ijodiy topshiriqlarning o'rni	290
Аскарова Г.У. Особенности копинг-поведения у врачей в трудных ситуациях	294
Baybayeva M. X., Imomov I. A. Nizoli vaziyatlarni hal etishda rahbarlarning kasbiy kompetentligini takomillashtirish	298
Bo'tirova D. B. Pedagogik faoliyatda kasbiy so'nish jarayonining ijtimoiy - psixologik asoslari	303
Sobirova D. A. Tibbiyot xodimlarida sosial intellyekt omillarini namoyon etilishining o'ziga xos xususiyatlari	307
Elov Z. S. Deviant xulq-atvorli o'smirlarda suisidal axloq psixologiyasi	313
Ismatullayeva G. E. Maktabgacha yoshidagi bolalar o'yinining psixologik xususiyatlari	319
Maxmudova D. A. O'spirin yoshidagi odam saydosi jabrdiydalarida namoyon bo'ladigan xavotirlik holatlarining psixokorreksiysi xususiyatlari	324
Nuraliyeva D.M., Muydinova Z. A. Jamiyat ijtimoiy jarayonlarining o'zaro ta'siri tizimida oila va nikoh munosabatlarining ahamiyati	328
Назаров А. М. Формирование психологической устойчивости у студентов как теоретическая и практическая проблема	333
Pulatova G. M. Tojimatova G. G. o'smirlarda destruktiv xulq ko'rinishlarining ijtimoiy-psixologik sabablari	339
Qodirova D. M. Bo'lajak psixologlarning kommunikativ kompetentligini rivojlantirishning ijtimoiy-psixologik xususiyatlari	355
Saidova N. I. O'quvchi yoshlarda jinsiy tarbiyaning psixofiziologik asoslari	364
Samarova Sh. R., Xudayqulova L. Ch. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida muloqotchanlikni shakllantirishda art-terapiyaning o'rni (ertak terapiya miso lida)	369
Samarova Sh. R., Mirzayeva M. A., Xusanov A. R. "Talim sifatini rivojlantirishda inson kapitalining o'rni" mavzusidagi makolaga material	373
Sharapova S. Dj. Ideological views of young people against external threats; problems and solutions	383
Yuldasheva M. B. Ergasheva G. O. O'smirlarda kasbga moyillikning ijtimoiy-psixologik omillari	388
Yunusova G. S. O'smirlarda axborot manbalariga qaramlik shakllanishining ijtimoiy-psixologik jihatlari.	393



## ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОРЛИ ЎСМИРЛАРДА СУИЦИДАЛ АХЛОҚ ПСИХОЛОГИЯСИ

Элов Зиёдулло Сатторович

Бухоро давлат университети, Психология ва сотиологии кафедраси  
доценти, Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

*Аннотация: Мақола, суицид ҳолати ва унинг ўсмир хулқ-атворига таъсир қилиши сабаблари, шунингдек девиант хулқ ҳусусиятнинг бошқа психологоик таъсириларни, ўз жонига қасд қилиши сабаблари ва психологоик таҳлилларга тўхталиб ўтилган бўлиб, ушибу салбий психологоик ҳолатнинг бугунги жамиятда глобал муаммолардан бирига айлануб бораётганлиги масаласи мисолларда тушунтирилган. Шунингдек турли ёши даврлари (оногенез)да ўз жонига қасд қилиши ҳолатининг содир этилишига сабаб бўлувчи психологоик омиллар ва уларни бартараф этиши йўллари тушунтирилган.*

*Калим сўзлар: суицид, девиант, йўқотиши, муаммо, онг, психика, удумлар, ўлим, қотил, руҳий жароҳат, характер, аффект, портлаш, депрессия, инстинкт, мослашии, инфантиллиз, ижтимоий омил, хавф, газаб.*

## ПСИХОЛОГИЯ СУИЦИДАЛЬНОЙ МОРАЛЬНОСТИ У ПОДРОСТКОВ С ДЕВИАНТНЫМ ПОВЕДЕНИЕМ

Элов Зиёдулло Сатторович

Бухарский государственный университет, доцент кафедры психологии и  
социологии, доктор философских наук в области психологии (PhD)

*Аннотация: Статья посвящена суицидальному состоянию и причинам его влияния на поведение подростков, а также другим психологическим последствиям девиантного поведения, причинам суицида и психологическому анализу. Также объясняются психологические факторы, вызывающие суицид в разные возрастные периоды и пути их устранения.*

*Ключевые слова: суицид, девиант, потеря, проблема, разум, психика, укусы, смерть, убийца, травма, характер, аффект, взрыв, депрессия, инстинкт, адаптация, инфантилизм, социальный фактор, опасность, гнев.*

## THE PSYCHOLOGY OF SUICIDAL MORALITY IN ADOLESCENTS WITH DEVIANT BEHAVIOR

Elov Ziyodullo Sattorovich

Bukhara State University, Associate Professor of the Department of Psychology  
and Sociology, Doctor of Philosophy in Psychology (PhD)

*Abstract: The article focuses on the state of suicide and the reasons for its influence on adolescent behavior, as well as other psychological effects of deviant behavior, causes of suicide, and psychological analysis. Psychological factors that cause suicide in different age periods (onogenesis) and ways to eliminate them are also explained.*

*Key words: suicide, deviant, loss, problem, mind, psyche, bites, death, killer, trauma, character, affect, explosion, depression, instinct, adaptation, infantilism, social factor, danger, anger.*

**Кириш:** Суицид (инг. suicide – ўзини ўзи ўлдириш) – киши томонидан кучли руҳий зўриқиши ҳолатида содир этилувчи ўзини ўзи ўлдириш ҳолатидир. Шахсда улар мавжудлигига шахсий ҳаёти олий қадрият сифатида ўз маъносини йўқотадиган ўткир руҳий жароҳат етказувчи вазиятлар таъсири остида онгли

равища ҳаётдан олиб ташлаш ҳолатидир.

Хозирги вактда суицидал ахлоқ глобал жамоатчилик муаммоси ҳисобланади. Расмий статистик маълумотларга қараганда ер юзида ҳар йили 1 миллион 100 мингга яқин одам ўз жонига қасд қилиш билан ўз ҳаётига якун ясайди.

Асосий қисм: Шубҳасиз, инсон онги фонийликни мутаносиб равища ўзлаштиришга қодир эмас, лекин, шундай бўлсада, ўзини ўзи ўлдириш эҳтимолини кўриб чиқаётган одам қанчалик агностик ва скептик бўлмасин, у беихтиёр ўлимдан кейинги, ҳатто янада маъқулроқ ҳаёт мавжудлигини тан олади. Ўз-ўзидан бу ҳали ўзини ўзи ўлдирувчи шахснинг ақлдан ташқари фикрлаши ва воқеий бўлмаган нарсаларни афзалроқ кўришини исботламайди, лекин шу билан бир вактда ўзида ўлимдан кейинги ҳаётга бўлган ишонч ҳар доим кўплаб халқларнинг маданий-диний удумлари предметини ташкил қилиб келган. Бундай ҳолда, потенциал ўзини ўзи ўлдирувчилар тафаккурининг иррационаллиги ва хаёлийлиги тушунарли бўлади. Ўзини-ўзи ўлдириш ҳодиса сифатида қўйидаги таркибий элементлар билан тавсифланиши мумкин. Биринчидан, бу қотиллик. Кўп тилларда унинг туб, ташкил қилувчи сўзи «қотиллик» ҳисобланади. Бироқ, атаманинг иккинчи қисми - «ўзини ўзи» сўзи инсоннинг ўзи томонидан содир этилган қотилликни назарда тутади. Бошқача қилиб айтганда, қотил ва курбон бир кишининг ўзи бўлган вазият юзага келади. Демак, ўзини ўзи ўлдиришни ўлимнинг учта ажralmas элементи: ўлиш элементи, ўлдириш элементи ва қотиллик курбони элементини англатувчи ўзига хос тури деб ҳисоблаш мумкин.

Руҳан соғлом одамларда ўзини ўзи ўлдириш сабаблари кўпинча ўткир руҳий-шикастловчи вазиятлар ва камроқ келиб чиқиши турлича бўлган чўзилган руҳий танглик ёки яшашининг чидаб бўлмас шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлади. Ўзини ўлдириш истаги руҳий-асаб тизими бекарор бўлган шахсларда, айниқса невротиклар ва кучли таъсиранувчи, кайфияти ўзгариб турувчи психопатларда кўпроқ учрайди. Айрим муаллифлар ўзини ўзи ўлдиришга мойилликни характернинг, уларнинг фикрича, шоирлар, рассомлар, артистларга хос бўлган алоҳида бадиий типига мойиллик деб таъкидлайдилар.

Баъзан одамлар ўзларини яшашининг қийинлиги ва имкониятсизлиги сабаб бўлган экстремал вазиятларда: масалан, концентрацион лагерлардаги шафқатсиз шароитларда, қийнаш, азоблаш, хўрлаш ва очлик таъсири остида ўзларини ўлдиришга уринадилар. Ўзини-ўзи ўлдириш тӯғрисида фикрларга шунингдек, чидаб бўлмайдиган оғриқ берувчи оғир, давосиз касалликлар саратон вабаъзи бошқа касалликлар ҳам олиб келиши мумкин.

Агар бунда онг хирадашмасдан қолган бўлса, унда азоб-уқубатларга барҳам бериш ҳақида табиий истак пайдо бўлади. Кўпинча ўзини ўзи ўлдиришлар ва уларнинг уринишлари турли депрессиялар, психологик ва ижтимоий омилларга боғлиқ. Улардан энг кўп тарқалгани ёлғизлик, шериги ёки яқин кишисини йўқотиш, муваффақиятсизлик ёки топталган мавқеи, обрўсизлантирувчи вазият, ҳаётий манбани йўқотиш, банкротлик ва ҳоказолардир. Демак, ўзини сақлаш инстинктининг бузилиши ва ўзини ўлдириш истаги, бир томондан субъектнинг руҳий фаолиятидаги қандай ўзгаришлар чукур аффектга олиб келишига, иккинчи томондан эса - ижтимоий шарт-шароитлар ва шахснинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ бўлади. Аслида, ҳис-ҳаяжонли-аффектив таъсирчан регистрни «ёқиб қўйиш» нафақат руҳиятнинг чуқур, балки онггача бўлган янада юқорироқ даражадаги тузилмасидан келиб чиқади. Шундай қилиб, бу ўринда ҳис-ҳаяжонли таъсирчанликнинг мураккаб аппарати мавжудлиги тӯғрисида сўз юритиш мумкин. Бу таъсирчанликнинг даражалари чуқурроқ (қўркув, хавотир, нафрат, қаҳр-ғазаб, қувонч, баҳт) ёки нозикроқ (кайгу, ғамгинлик, эстетик ташвишлар ва ҳоказолар) бўлади.

Маълумки, одам маълум даражада ўзининг ички дунёсини яратади ва шунинг учун ўзини ўзи ўлдириш ҳақида қарор қабул қилишнинг бошланғич нуқтасини

аниқлаш мұхимдир. Агар динамикадаги қарор қабул қилиш жараёнини моделлаштиришга ҳаракат қылсақ, унда күп нарса вазиятдан чиқишининг иложи йүқлигини оқлаш билан боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, файриихтиёрий, күп ҳолда – иррационал туртқига бўйсуну туриб, одам уни батамом ошкора – рационал сабаблар билан оқлашга ҳаракат қилади. Бироқ, мазкур ҳолатда файриихтиёрий ўзини ўзи ўлдириш фикри ташқи, ошкора омиллар таҳлилидан кўра анча мұхимроқ бўлади.

Суицидал хулқ-атворли шахсларнинг аксарият қисми учун кишининг ҳодисаларга таъсиранчалиги турлича эканлиги хосdir. К.Меннингер томонидан келтирилган мисолларга мурожаат қиласиз: қиз соч турмаги кўнгилдагидек чиқмаганидан сўнг ўзини ўлдиради; эркак киши уни гольф ўйнаш имкониятидан маҳрум этилганидан сўнг ҳаётидан воз кечади; аёл икки марта поездга кеч қолганидан кейин ўзини ўзи ўлдиришга аҳд қилади; бола севимли канарейкасининг ўлимини кўтара олмай, ўзини ўлдиришга кўл уради. Таъсиранчаликнинг бир хил эмаслиги ўзини ўзи ўлдиришни содир этаётган шахснинг ҳиссий ёки руҳий жиҳатдан этилмаганлиги ва этилмай қолганлиги (инфантиллиги) билан белгиланади.

Ўзини ўзи ўлдиришни ўрганишлар шуни кўрсатдики, уларнинг сони ортиши ёш даврлари, жинси, ижтимоий аҳволи ва ҳоказолар ва лекин биринчи навбатда – киши шахсиятининг хусусиятларига боғлиқ. Эркаклар орасида ўзини ўзи ўлдириш сони аёлларга нисбатан кўпроқ кузатилади. Шу билан бир вақтда эркаклар ўзини осиш, ўқотар қурол ишлатиш каби «ишиончлироқ» бўлган усусларни қўлласа, аёллар кўпроқ катта дозада дорилар қабул қилишни афзал кўрадилар, яъни улар гўё ўзларининг ўлимдан кейинги ташқи кўринишлари хақида қайғурадилар. Эркаклар орасидаги ўзини-ўзи ўлдиришнинг максимал сони ўспириналлик ёшига (16-18 ёш) тўғри келади, бу ёшда кўпинча маънавий мезонлар ва даъволар ортиши кузатилади, аёлларда эса – климакс даврига (40-45 ёш), юқори даражада асабийлик ва кайфият ўзгариши, қариликнинг илк аломатлари пайдо бўлиши, айрим умидларнинг йўқолиши билан борувчи организмнинг физиологик қайта тузилиши содир бўладиган даврга тўғри келади.

Ижтимоий омиллар орасида ўзини ўзи ўлдиришнинг қишлоқ жойларига нисбатан кўпроқ йирик шаҳарларда содир этилиши, профессионал ва ижтимоий мақомга боғлиқлигини таъкидлаш мумкин. Айни вақтда ўзида ўзини ўзи ўлдиришлар сони Швеция, Япония каби иқтисодий ривожланган мамлакатларда Осиё ва Африканинг қолоқ давлатларидағига нисбатан анча ортиқдир.

Ўз жонига қасд қилишининг биологик детерминантлари орасида шу ҳолатни таъкидлаш зарурки, руҳияти оғир бузилган одамлар руҳан соғлом индивидларга нисбатан кўпроқ ўзини ўзи ўлдиришни содир этадилар.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ўз жонига қасд қилиш шахснинг ижтимоий-руҳий дезадаптацияси натижаси ҳисобланиб, бунда одам ушбу юзага келган шароитларда бундан бўён ўзи учун мавжуд бўлиш имкониятини кўрмайди. Шахс дезадаптациясининг эҳтимолийлиги жамиятдаги ижтимоий-иктисодий бекарорлик даврларида объектив равишда ортади, бу эса ўзини ўзи ўлдириш статистикасида ўзининг ҳақиқий аксини топади. Айниқса, ижтимоий кўтарилиш пасайиш билан алмашганда «умидларни йўқотиш вақти» кескин бўлиб қолади, бу эса жамият онгининг кризисини чукурлаштиради, жамият аъзоларига зулмкор таъсир ўтказади ва унинг заифроқ аъзоларининг ихтиёрий равишда ҳаётдан воз кечишига ёрдам беради. Бу эса таназзулни бошидан ўтказаётган ва ривожланиш истиқболига эга бўлмаган жамиятда кўпроқ намоён бўлади.

Дезадаптациянинг кескин ҳолати оғир касалликлар, ҳаётдаги омадсизликлар, яқин одамини йўқотиш оқибатида юзага келиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда шахснинг ижтимоий-руҳий дезадаптацияси оғирлиги ва чукурлигини баҳолашнинг учта таркибий қисмини кўриб чиқиши мумкин:

- одатий турмуш шароитларининг жиддий бузилиши;
- уларнинг инсон томонидан талқин қилиниши (ҳаётий синиш, иложсиз вазият, шахсий ҳалокат ёки оғир, лекин ўтиб кетувчи ҳолат);
- мослашиш учун истак ёки ҳаракат қилишга тайёрлик (ҳаётдан чарчаши, «ҳаётни қайта бошлаш»ни истамаслик, бу ҳақда келган фикрдан нафратланиш ёки ҳаётий йўналишларини қайта кўриб чиқишга тайёр туриш, вазиятни уddaлаш).

Ўзини ўзи ўлдириш ўз аҳамияти ва психологик сабабларига кўра фарқланади. Улар негизида кўпинча онгли ёки онгсиз равишда яқин инсонларига бўлган туйғуга ёки жамоатчилик фикрига апелляция-сабаб, атрофдагилардан ёрдам ва мадад олишга интилиш ётади. Бу ҳолда ўз жонига қасд қилиш ҳаракатлари намойишкорона тус олиши, ҳақиқий ёки тақлид бўлиши ёки шантаж (кўрқитиш) бўлиши мумкин. Улар кўпинча бирорнинг кўзи олдида ёки биронтаси келиб қолишидан бир неча дақика олдин содир этилади, уларнинг усули кўпинча жиддий таҳдидни ифодаламайди – унча кўп бўлмаган микдорда дори таблеткалари қабул қилинади, тери унча чукур бўлмаган даражада кесилади, ингичка ёки эски арқон қўлланилади, эшиклар очиқ қолдирилади.

Аҳамиятияга кўра, ўз жонига қасд қилиш ёлғизлик, оғир жудолик ва ҳоказолар натижасида ўзини ўзи ўлдираётган кишининг ҳаётдан тўлиқ четлашганлигидан фарқли ўлароқ ўзини ўзи ўлдирувчиларнинг ҳаётга киришганлигини билвосита билдирган ҳолда, килмишнинг, зиддиятли вазиятдан чиқиб кетишининг парадоксал ҳарактерига эга бўлиши мумкин (баҳсдаги сўнгги, рад этиб бўлмайдиган далил каби). Сўнгги ҳолатда яшаб кетишига имкон қолдирмайдиган қўпол ва ишончли усуллар танланади. Ўзини ўзи емирувчи ахлоққа бир қатор ҳолларда қуидагилар ҳам киради:

- алкоголга, наркотиклар ва чекишга ружу қўйиш;
- атайлаб ортиқ даражада иш билан кўмиб ташлаш;
- қайсаарлик билан даволаниши истамаслик;
- транспорт воситаларини хавфли усулда, айниқса маст ҳолда бошқариш;
- жанговар ҳаракатлар зоналарига боришига астойдил интилиш;
- ўзини оқламайдиган хавф билан боғлиқ ҳолда спортнинг айрим турларига қизиқиши (альпинизм, парашютли спорт ва ҳоказо).

Том маънода ўзини қийнаш ва қурбон қилиш, шафқатсиз ишлатиш билан ўтказиладиган баъзи диний маросимлар, урушлар, яъни одамларнинг якка ёки оммавий қирилишига ёки ўзини ўзи йўқ қилишига олиб келувчи ауто ва гетеротажовузкор ҳаракатлар ўзини ўзи емирувчи деб ҳисобланади.

Ўз жонига қасд қилишнинг сўнгги нуқтаси ҳисобланадиган ўзини ўзи емирувчи ахлоқнинг бир қатор ўзаро бир-бирига ўтувчи шакллари мавжуд. Уларга қуидагилар киради:

Ўз жонига қасд қилувчи ахлоқ – бу ўзини ҳаётдан маҳрум қилиш тўғрисидаги тасаввурлар билан белгиланадиган ва йўналтириладиган руҳий актларнинг ҳар қандай ички ёки ташки шакллариридир. Ўз жонига қасд қилувчи ахлоқ иккита асосий: ички ва ташки шаклда намоён бўлади. Ички шаклларга ўз жонига қасд қилишда бўлганидаги фикрлар (тасаввурлар, ташвишлар); ўз жонига қасд қилиш ҳаракатлари (мақсадлар, ниятлар); ташки шаклларга - ўз жонига қасд қилувчи кўринишлар; ўз жонига суиқасд қилишга уринишлар киради.

Ўз жонига қасд қилиш борасидаги фикрлар (тасаввурлар, ташвишлар) – ҳаётнинг қадри, мазмуни йўқлиги тўғрисидаги пассив мулоҳазалар («яшашга арзимайди», «ҳаётда баҳт йўқ», «яшамаяпсан, балки мавжудсан, холос»), шунингдек ўз ўлими мазмунидаги тасаввурлар, фантазиялар, лекин ўзини ҳаётдан маҳрум қилиш эмас («ўлсам яхши бўларди», «ухлаб қолсам ва уйғонмасам»). Ўз жонига қасд қилиш борасидаги фикрлар меъёрида деярли хамма одамларда бирон-бир зиддият ёки руҳий шикастловчи ҳодиса ҳал

бўлмаслигини англаганда пайдо бўлади, лекин улар ўз жонига қасд қилиш анъаналарига ўтмайди. Ўз жонига қасд қилиш анъаналарига (мақсадлар, ниятлар) - фаол ва жиддий мулоҳазалар, ўз жонига қасд қилиш режасини ишлаб чиқиш, ўзини ўзи ўлдиришни содир қилиш усуллари, вақти, уни содир қилиш жойини белгилашни киритиш мумкин.

Ташқи ахлоқда ўз жонига қасд қилиш мақсадини бевосита амалга ошириш нияти намоён бўлиши мумкин. Деярли ҳамма ўз жонига қасд қилувчилар бу даврда у ёки бу шаклда ўз жонига қасд қилиш мақсадини яқинлари, дўстлари ёки ҳамкасларидан кимгадир ишора ёки ҳазил шаклида (ўз жонига қасд қилиш кўринишлари) намоён қилиши мумкин. Ҳолбуки уларнинг қарийб 15 % га яқини буни очиқ ва ошкора қилишади. Одатда, ўз жонига қасд қилиш мақсадининг очиқласига айтилиши атрофдагилар томонидан намойишкорона-шантаж қилиш деб қабул қилинади ёки умуман эътиборга олинмайди. Бироқ уларга паст баҳо бермаслик керак. Барча ҳолатларда бундай фикрлар мавжуд бўлганда, мутахассис маслаҳати талаб этилади. Ўз жонига қасд қилиш анъаналарининг ўз жонига қасд қилиш кўринишларига ўтиши қарорни бевосита амалга оширишга – ўз жонига қасд қилишга уринишни содир этишга чакиравчи ирова компонентининг (таркибий қисмининг) мақсадига қўшилишдан дарак беради.

Ўз жонига суиқасд қилиш (уриниш) - ўзини ўзи ўлдириш ёки шантаж йўли билан ҳаётдан кетиши мақсадида ўзини ҳаётдан маҳрум қилиш воситалари орқали онгли равища иш кўришдир. Ўзини ўзи ўлдиришга уринишлар ўзини ўлдирувчига боғлиқ бўлмаган, яъни ўлимга олиб келмайдиган жароҳат, арқоннинг узилиб кетиши, ўз вақтида кўрсатилган тиббий, реанимацион ёрдам ва шу кабилар сабабли ҳар доим ҳам ўлим билан якун топавермайди.

Бирон-бир аъзони жароҳатлаш – маълум якуний мақсадлар билан (хизматдан бўшашиб, жиноий жавобгарликдан қочиши, ногиронлик бўйича нафақа олиш, сугурта) қасддан ўзига жароҳат етказиши. Баъзан бундай ҳаракатлар яққол намоён бўлган руҳий аффект ҳолатидаги шахслар томонидан содир қилинади ва шахс руҳий азобларининг енгиллашишига йўл сифатида хизмат қилиши мумкин. (Кўпинча бу билаклар соҳасини кесишида ифодаланади). Бошқа ҳолатда бирон-бир аъзони жароҳатлаш руҳий бемор шахслар томонидан васвасали сабабларга кўра содир этилиши мумкин. Намойишкорона-шантаж мақсадида ўзига жароҳат етказиши ҳаракатлари, бирон-бир аъзосига жароҳат етказишида нотўғри мўлжал олиш, эҳтиётсизлик ёки тасодиф оқибатида ҳалокатли бўлиши ва ўлим билан якунланиши мумкин.

Пресуицид – ўз жонига қасд қилиш фикрига келишдан уни рўёбга чиқаришга уринишгача бўлган вақт оралифи, яъни ўз жонига қасд қилишдан олдинги руҳий ҳолатнинг ўзидир. Пресуицид деганда, аксарият психологлар шахснинг ўз жонига қасд қилиш актини содир этишининг меъёрига нисбатан юқори эҳтимолини шарт қилувчи ҳолатини назарда тутадилар. Унинг давомийлиги дақиқалар (ўткир пресуицид) ёки ойлар (сурункали пресуицид) билан хисобланиши мумкин.

Постсуицид – ўз жонига қасд қилишдан кейинги ҳолат ёки постсуицидал давр.

Суицидал хавф - бу шахснинг ўзини ўзи ўлдиришга потенциал равища тайёрлиги, шахснинг ўз жонига қасд қилдирувчи ва ўз жонига қасд қилдиришга олиб келмайдиган омилларнинг нисбатидир.

Хуроса: Характерида сензитив-шизоид хислатлар: одамовилик, камгаплиқ, вазминлик, норасмий алоқалар ўрнатишнинг қийинлиги, кўпроқ гуруҳли эмас, балки якка фаолиятга мойиллик ва, камтарлик, зиддиятсизлик, тажовузкорликнинг унча юқори бўлмаган даражаси, юқори сезувчанлик, жizzакилик устун бўлган шахсларнинг армияда дезатапцияланиш эҳтимоли кучлидир. Ўзларининг интизомлилиги, ижрочилигига қарамай, улар жамоада паст мавқега эга бўладилар, ҳамкаслар орасида унча машҳур бўлмайдилар,

майда бирлашган гурухларга кирмайдилар, фақат бир-икки ҳамкаслари билан яқин бўладилар, баъзан умуман дўстлари бўлмайди, ўзларига қўмондонларининг эътиборини жалб қилмайдилар. Пировард натижада бу жамоа ва алоҳида ҳарбий хизматчилар томонидан руҳан ажратиб қўйилишига, четлатилишига ва тажовузкорликка олиб келади. Бўлинмада самарали тарбиявий ишлар олиб борилмаса, бундай аскарларда тушкунлик, ғамгинлик, иложсизлик ҳолати кучаяди, ўзига баҳо бериши ва ўзини ҳурмат қилиш туйгуси пасаяди, бу эса ўзини ўзи ўлдириш тўғрисида қарор қабул қилишга мойиллик туғдиради.

Ўз жонига қасд қилиш генезисида оиланинг, кишига энг яқин ижтимоий муҳитнинг ролини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Эр-хотин, ота-оналар ва болалар ўртасидаги ўзаро оиласидаги муносабатлар характеристи шахснинг ижтимоий-руҳий дезадаптацияси ривожланишида фавқулодда аҳамиятга эга.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Н.Тайлоқов. Вояга етмаганларга ўртасида суицид ҳолатларини олдини олиш. Методик кўлланма. Тошкент 2017
2. Х.Руҳиева. Вояга етмаганлар ўртасида хукуқбузарликлар ва суицид ҳолатлари профилактикаси. Ўқув кўлланма. Тошкент 2021
3. З.С.Элов. Девиант хулқ-атворли ўсмиirlar томонидан содир этилаётган ноқонуний ҳатти-ҳаракатларнинг психологик сабаблари. Ta'lim va innovatsion tadqiqotlar. 2023/2. 292-296
4. З.С.Элов. Девиант хулқ-атворли ўсмиirlar орасида суицидал аҳлоқ тушунчаси ва илмий таҳдиллар. Педагогик ва психологик тадқиқотлар 2023. 1 (№1), 170-178
5. Z.S.Elov. O'smirlilik davrida shaxs xulq-atvorida kuzatiladigan reaksiyalarning psixologik ta'siri. Science and Education. 2022. 442-447
6. З.С.Элов. Девиант хулқ-атворли ўсмиirlarда кузатиладиган психологик ўзгаришларнинг ёш билан боғлиқ ҳусусиятлари (вояга етмаганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш маркази тарбияланувчилари мисоли). PEDAGOGIK MAHORAT 2022 №6 72-75
7. Z.S.Elov. Suicide among adolescents with deviant behavior as a social psychological problem. Вестник интегративной психологии 2022 Выпуск 26. 311-312
8. З.С.Элов. Суицид муаммолининг илмий-назарий асослари. Proceedings of the 10 th International Scientific-Practical Distance Conference. 2021 294-296
9. З.С.Элов. Суицид - ўз жонига қасд қилиш ижтимоий психологик муаммо сифатида. Conference on social and humanitarian research. International Conference on Social Humanitarian Research 17-18 th September, 2021 Poland. 188-189.
10. Z.S.Elov. Suitsidal xulq motivatsiyasi: nazariya va amaliyot. Monografiya. 2022